

**КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТИ МУРАККАБ ТОИФАДАГИ  
МАҲАЛЛАЛАРДА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШДА ХАВФСИЗЛИК ИНФРАТУЗИЛМАСИНИНГ  
ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

ИИВ Академияси Магистратура тингловчиси  
**Қурбонов Жаҳонгир Собирович**

**Аннотация:** *Мазкур мақолада криминоген вазияти мураккаб тоифадаги маҳаллаларда профилактик чора-тадбирларни ташкил этишида хавфсизлик инфратузилмасининг аҳамияти криминалогик нуқтаи назардан тадқиқ этилган. Хусусан, видеокузатув тизимлари, қўриқлов хизматлари, ёритиш инфратузилмаси, пиёдалар хавфсизлиги, турар жой муҳити ҳамда рақамли ва алоқа инфратузилмаларининг жинойятчиликка таъсири таҳлил қилинган. Тадқиқот CPTEД (Crime Prevention Through Environmental Design) назарияси асосида қурилган бўлиб, О. Ньюманнинг “Defensible Space”, Ж. Жекобснинг “Eyes on the Street”, Ж. Уилсон ва Ж. Келлингнинг “Broken Windows”, Л. Коэн ва М. Фелсоннинг “Routine Activity” ҳамда Р. Кларкнинг “Situational Crime Prevention” концепциялари ўртасида илмий полемика амалга оширилган. Шунингдек, Ўзбекистон қонунчилиги, маҳаллий ва хорижий тажрибалар асосида муаллифлик баҳолаш модели таклиф этилган.*

**Калит сўзлар:** *криминоген муҳит, маҳалла, хавфсизлик инфратузилмаси, CPTEД, профилактика, видеокузатув, ёритиш тизими, жинойят ўчоқлари, жамоат хавфсизлиги, муҳит криминалогияси.*

**Аннотация:** *В данной статье с криминалогической точки зрения исследовано значение инфраструктуры безопасности при организации профилактических мероприятий в махаллях, отнесённых к категории со SJIF: 5.051*

сложной криминогенной обстановкой. В частности, проанализировано влияние на преступность систем видеонаблюдения, охранных служб, инфраструктуры освещения, безопасности пешеходов, жилой среды, а также цифровой и коммуникационной инфраструктуры. Исследование построено на основе теории CPTED (Crime Prevention Through Environmental Design), при этом проведена научная полемика между концепциями О. Ньюмана «Defensible Space», Дж. Джекобс «Eyes on the Street», Дж. Уилсона и Дж. Келлинга «Broken Windows», Л. Коэна и М. Фелсона «Routine Activity», а также Р. Кларка «Situational Crime Prevention». Кроме того, на основе законодательства Республики Узбекистан, отечественного и зарубежного опыта предложена авторская модель оценки.

**Ключевые слова:** криминогенная среда, махалля, инфраструктура безопасности, CPTED, профилактика, видеонаблюдение, система освещения, очаги преступности, общественная безопасность, экологическая криминология.

**Abstract:** This article examines the significance of security infrastructure in organizing preventive measures within mahallas characterized by complex criminogenic situations from a criminological perspective. In particular, the study analyzes the impact of video surveillance systems, security services, lighting infrastructure, pedestrian safety, residential environment, as well as digital and communication infrastructure on crime. The research is based on the CPTED (Crime Prevention Through Environmental Design) theory and presents a scientific discussion among the concepts of O. Newman's Defensible Space, J. Jacobs' Eyes on the Street, J. Wilson and G. Kelling's Broken Windows, L. Cohen

*and M. Felson's Routine Activity, and R. Clarke's Situational Crime Prevention. Furthermore, an original assessment model is proposed based on the legislation of the Republic of Uzbekistan, as well as domestic and international experience.*

**Keywords:** *criminogenic environment, mahalla, security infrastructure, CPTED, prevention, video surveillance, lighting system, crime hotspots, public safety, environmental criminology.*

Сўнгги йилларда жиноятчиликка қарши курашишда содир этилган жиноятларга муносабат билдириш ёндашувдан проактив яъни барвақт профилактикага ўтиш тенденцияси шаклланмоқда. Замонавий криминология жиноятни фақат шахс хулқининг натижаси сифатида эмас, балки муҳит, инфратузилма, ижтимоий муносабатлар ва хавфсизлик элементлари ўзаро таъсири натижаси сифатида баҳолай бошлади.

Ўзбекистонда ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кенг ислохотлар амалга оширилиб, маҳаллалар кесимида ҳуқуқбузарликлар профилактикасига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуни ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни профилактиканинг асосий вазифаси сифатида белгилаган [1].

Бундан ташқари криминоген вазияти мураккаб тоифадаги маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши кўп ҳолларда видеокузатув қамровининг етарли эмаслиги, қўриқлов хизматлари имкониятларининг чекланганлиги, йўлларни ёритиш тизими

самарадорлигининг пастлиги, пиёдалар хавфсизлиги инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, турар жой муҳтида назорат механизмларининг заифлиги ҳамда рақамли инфратузилма имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаётгани билан боғлиқ бўлади.

Ўзбекистонда ҳам мазкур масалага давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш, замонавий кузатув тизимларини жорий этиш, техник қўриқлаш қамровини ошириш, СРТЕД концепцияси асосида «намунали хавфсиз кўча» ва «намунали хавфсиз уй» лойиҳаларини татбиқ этиш ҳамда маҳаллаларда манзилли профилактика механизмларини йўлга қўйиш устувор вазифалар сифатида белгиланган. Шунингдек, хавфсизлик инфратузилмасини ривожлантириш орқали жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш ва криминоген вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган янги ташкилий-ҳуқуқий механизмлар жорий этилмоқда [2].

Шу нуқтаи назардан, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда профилактик чора-тадбирларни ташкил этишда хавфсизлик инфратузилмасининг ўрни ва аҳамиятини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш, унинг криминологик хусусиятларини аниқлаш, маҳаллий ва хорижий тажрибаларни қиёсий таҳлил қилиш ҳамда муҳит орқали жиноятчиликнинг олдини олишнинг замонавий моделларини ишлаб чиқиш долзарб илмий вазифалардан бири ҳисобланади.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда профилактик тадбирлар асосан ҳуқуқий ва ташкилий механизмлар доирасида олиб борилмоқда. Ҳолбуки, жиноятчилик шаклланишида хавфсизлик инфратузилмаси омиллари – ёритиш, кузатув,

фазовий назорат, турар жой муҳити, транспорт хавфсизлиги ва рақамли мониторинг муҳим ўрин тутди.

Шу нуктаи назардан, мақоланинг мақсади криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда профилактик чора-тадбирларни ташкил этишда хавфсизлик инфратузилмасининг аҳамиятини илмий жиҳатдан асослаш ҳамда CPTED назарияси асосида комплекс баҳолаш моделини ишлаб чиқишдан иборат.

Муҳит орқали жиноятчиликнинг олдини олиш ғояси илк бор америкалик криминолог С. Ray Jeffery томонидан 1971 йилда илгари сурилган. Олимнинг фикрича, жиноятчиликни камайтириш учун жисмоний муҳитни шундай ташкил этиш лозимки, у ҳуқуқбузарлик содир этиш имкониятини чекласин [3].

Jeffery жиноятчиликни “шахс-муҳит-вазият” ўзаро таъсирининг маҳсули деб ҳисоблаган. Унинг ёндашувига кўра профилактика қуйидаги йўналишларда амалга оширилиши лозим: табиий кузатувни кучайтириш; ҳудудий назоратни ошириш; кириш-чиқишни бошқариш; хавфли муҳит элементларини бартараф этиш.

Бироқ, мазкур назария кейинчалик Оскар Ньюман томонидан танқид қилинган. Ньюманнинг фикрича, CPTED умумий ёндашув бўлиб қолган, амалиётда эса атроф муҳитни лойиҳалаш орқали ҳимоя механизмлари аниқ ишлаб чиқилиши керак [4].

Оскар Ньюман жиноятчиликнинг шаклланишида архитектура ва ҳудудий ташкил этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблайди. Унинг фикрича: “Назорат имконияти паст бўлган ҳудудларда жиноятчилик эҳтимоли юқори бўлади” [5].

Ньюман химояланувчи муҳитни қуйидаги элементларга ажратади: худудийлик ҳисси; табиий назорат; муҳит имиджи; хавфли зоналарни ажратиш. Мазкур назариядан келиб чиқиб, турар жой секторлари, кўп қаватли уйлар, ички ҳовлилар, кириш йўлаклари, ташландиқ бинолар криминоген таҳлил объектига айланади.

Ушбу маслани ёритишда Жейн Жекобс ва “Eyes on the Street” концепцияси муҳим ҳисобланади. Жейн Жекобс шаҳар хавфсизлигини давлат назорати эмас, балки аҳолининг табиий иштирокида кўрган. Унинг фикрича, “Кўча хавфсизлигини полиция эмас, кўчадаги одамлар таъминлайди” [6].

Олим жамоат жойлари фаоллиги; аҳоли ҳаракати; аралаш функцияли худудлар; очик кузатув жиноятчиликни камайтиришини асослаган.

Бироқ, ушбу назария CPTED тарафдорлари томонидан қисман танқид қилинган. Чунки юқори ҳаракат ҳам баъзан жиноят имкониятини ошириши мумкин. Назаримизда бу борада Л. Коэн ва М. Фелсоннинг назариясини қўллаб қуватлаш мумкин.

Лоуренс Коэн ва Маркус Фелсон жиноят учун уч шарт бўлиши лозимлигини таъкидлаган [7]: ҳуқуқбузар; мос нишон (жабрланувчи); муҳофаза қилувчи омилнинг мавжуд эмаслиги. Мазкур назария CPTED билан ўзаро уйғун ҳисобланади. Масалан, камера йўқ-муҳофаза қилувчи омил камаяди; ёритиш йўқ- нишон осонлашади; кўриқлаш паст-хавф ортади.

Шу сабабли хавфсизлик инфратузилмаси профилактиканинг мустақил элементига айланади. Видеокузатув тизими интеграцияси ва қамровининг етарли эмаслиги омили маҳалла криминоген вазиятига салбий таъсир этади.

Замонавий криминологияда видеокузатув тизими профилактиканинг муҳитга таъсир қилувчи воситаси сифатида баҳоланади.

Лондон шаҳрида ўтказилган тадқиқотларга кўра CCTV тизимлари: мулкка қарши жиноятларни камайтирган; автомобил ўғирликларини пасайтирган; хавфли зоналар мониторингини кучайтирган [8].

Бирок, Welsh ва Farrington камералар барча жиноятларга бир хил таъсир қилмаслигини таъкидлайди [9]. Уларнинг фикрича, мулккий жиноятларга таъсир юқори; зўравонлик жиноятларига таъсир чекланган.

Сингапурда Smart Nation дастури доирасида: интеллектуал кузатув; юзни таниш; ҳаракат таҳлили; AI мониторинг қўлланилмоқда.

Бу борада айтиш керакки, Ўзбекистон шароитида эса мураккаб маҳаллалар учун: **“Криминоген видеокузатув индекси”** жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Индекс таркиби: камера зичлиги; қамров даражаси; овлоқ жойлар; интеграция; мониторинг вақти кабиларни инобатга олиши керак.

Қўриқлов хизматлари қамровининг етарли эмаслиги омили ҳам криминоген вазияти мураккаб тоифадаги маҳаллаларда профилактик чора-тадбирларни ташкил этишда муҳим аҳамиятга эга.

Япониянинг **Koban** моделида кичик полиция пунктлари аҳоли билан доимий алоқани таъминлайди. Ушбу тизим: микроназорат; тезкор жавоб; жамоавий ишонч механизмларига асосланган.

Сингапурда эса **Neighbourhood Police Centre** модели амал қилади. Бу ерда профилактика: жиноят содир бўлгандан кейин эмас; хавф шаклланишидан аввал бошланади.

Юқордаги таҳлилларидан келиб чиққан ҳолда фикримизча, Ўзбекистон шароитида профилактика инспектори; маҳалла еттилиги; сектор раҳбарлари фаолиятига инфратузилмавий баҳолаш мезонларини қўшилиши лозим.

Йўлларни ёритиш тизими қамрови ва самарадорлигининг пастлиги омили ҳам криминоген вазияти мураккаб тоифадаги маҳаллаларда профилактик чора-тадбирларни ташкил этишда ўрни муҳим ҳисобланади.

Ёритиш криминологияда табиий назорат воситаси сифатида баҳоланади. Painter ва Farrington тадқиқотларига кўра, кўча ёритилиши яхшиланган ҳудудларда жиноятчилик ўртача 20-30 фоизга қисқарган [10]. Broken Windows назарияси тарафдорлари ҳам ёритишни тартиб индикатори деб ҳисоблайди.

Уилсон ва Келлинг фикрича, муҳитдаги майда тартибсизликлар оғир жиноятларга замин яратади [11]. Шу сабабли, қоронғи кўчалар; носоз чироқлар; ярим ёритилган ҳудудлар криминоген хавф индикатори сифатида баҳоланиши керак.

Криминоген вазияти мураккаб тоифадаги маҳаллаларда профилактик чора-тадбирларни ташкил этишдаги яна бир муҳим масала, йўл ҳаракатини ташкил этиш ва пиёдалар хавфсизлиги инфратузилмасининг етарли эмаслигидир.

Атроф муҳитни лойиҳалаш орқали хавфсизликни таъминлаш криминологияга кўра транзит оқим юқори бўлган ҳудудларда жиноятчилик концентрацияси ошиб боради. Brantingham ва Brantingham жиноятчиликни “ҳаракат географияси” билан боғлаган [12].

Улар қуйидагиларни хавф зоналари деб ҳисоблайди: транспорт тугунлари; бозор атрофлари; бекатлар; пиёда ўтиш жойлари; мактаб атрофлари.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарларида ҳам бозорлар ва транзит ҳудудлар атрофида жиноятчилик концентрацияси юқори экани кузатилади.

Турар жой сектори инфратузилмасининг ривожланмаганлиги ҳам криминоген вазияти мураккаб тоифадаги маҳаллаларда профилактик чоратadbирларни ташкил этишда салбий таъсир этади.

Оскар Ньюман турар жой муҳитини жиноятчиликнинг асосий детерминантларидан бири деб ҳисоблайди. Хавфли элементлар: ташландик бинолар; назоратсиз ҳовлилар; очик кириш йўлаклари; ярим бўш майдонлар; қоронғи ички ҳудудлар.

Broken Windows назариясига кўра: ташландик муҳит жиноятчиликка психологик руҳсат сигнали беради. Шу сабабли, Ўзбекистон шароитида бўш ҳудудларнинг хавфсизлик талаблари, назоратсиз муҳитнинг хавфсизлик талаблари, криминоген архитектура индексининг ишлаб чиқиши криминоген вазияти мураккаб тоифадаги маҳаллаларда профилактик чоратadbирларни ташкил этишда муҳим рол ўйнаши мумкин.

Рақамли ва алоқа инфратузилмаси омили. Замонавий криминология рақамли профилактикага ўтмоқда. АҚШда: Predictive Policing; GIS хариталаш; CompStat; AI аналитика қўлланилмоқда.

Нидерландияда хавф хариталари орқали, жиноят ўчоқлари; мавсумий хавф; аҳоли ҳаракати прогноз қилинади.

Сингапурда эса, рақамли сенсорлар; видеоаналитика; Smart Nation платформаси фаол ишламоқда.

Бу борада Ўзбекистон шароитида назаримизда ижтимоий профилактика, GIS криминоген харита ҳамда маҳалла мониторинги интеграцияси истиқболли йўналиш ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқан ҳолда хулоса қиладиган бўлсак, тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда профилактик тадбирларнинг самарадорлиги фақат ҳуқуқий чораларга эмас, балки хавфсизлик инфратузилмаси ҳолатига ҳам бевосита боғлиқ.

Шу муносабат билан **“Криминоген вазияти мураккаб маҳаллалар хавфсизлик инфратузилмасини криминологик баҳолаш модели”** таклиф этилди.

Моделга кўра видеокузатув қамрови; кўриқлов тизими; ёритиш даражаси; пиёдалар хавфсизлиги; турар жой муҳити; рақамли мониторингни қамраб олган бўлиб бу – жиноятчилик динамикасига сезиларли таъсир кўрсатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сон (2014 йил 14 май) Қонуни // <https://lex.uz/uz/docs/2387357>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги (2025 йил 18 август) ПҚ-253-сон қарори // <https://lex.uz/uz/docs/7690026>.

3. *Jeffery C.R.* Crime Prevention Through Environmental Design. Beverly Hills, 1971.
4. *Newman O.* Defensible Space. New York, 1972.
5. *Newman O.* Creating Defensible Space. Washington, 1996.
6. *Jacobs J.* The Death and Life of Great American Cities. New York, 1961.
7. *Cohen L., Felson M.* Social Change and Crime Rate Trends // American Sociological Review. 1979.
8. *Gill M., Spriggs A.* Assessing the Impact of CCTV. London, 2005.
9. *Welsh B., Farrington D.* Effects of Closed-Circuit Television on Crime // Campbell Systematic Reviews. 2008.
10. *Painter K., Farrington D.* Street Lighting and Crime Prevention. 1999.
11. *Wilson J., Kelling G.* Broken Windows // Atlantic Monthly. 1982.
12. *Brantingham P., Brantingham P.* Environmental Criminology. Beverly Hills, 1981.